



" 28 " феврал 2014й. №21

Статистика ишларини бажариш жараёнида фойдаланиладиган статистик классификациялар тизимини янада ривожлантириш, шунингдек Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) асосида юридик шахсларни ҳисобини юритиш ва идентификациялаш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишончлилигини ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. 2013 йилда давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ такомиллаштирилган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими (кейинги уринларда МҲОБТ-2014) идоравий статистик таснифлагичи 2014 йилнинг 1 мартидан, 1-иловага мувофиқ амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими таснифлагичида маъмурий-ҳудудий тузилмаларни кодлаштириш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси (О.Равшанов) бир ҳафта муддатда, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида МҲОБТ-2014 таснифлагичининг қўлланилишини таъминласин.

4. Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси (Е.Кияткина):

бир ҳафта муддатда, МҲОБТ-2014 таснифлагичининг жорий этилиши тўғрисидаги маълумотни Давлат статистика қўмитасининг марказий аппарати бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман ва шаҳар статистика бўлимларига етказсин;

амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорларидан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни доимий равишда МҲОБТ-2014 таснифлагичига ўз вақтида киритилиб борилишини ҳамда уларни давлат статистика органлари бўлинмаларига етказилишини таъминласин.

5. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий статистика бошқармалари раҳбарлари, шу йилнинг март ойидан бошлаб, ҳудудлар кесимидаги статистик ишланмаларни такомиллаштирилган МҲОБТ-2014 таснифлагичи асосида тайёрланиши ва тақдим этилишини таъминласинлар.

6. Ахборот технологиялари, дастурлаштириш ва техник ривожлантириш бошқармаси, бир ҳафта муддатда, МҲОБТ-2014 таснифлагичини статистик маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий комплексларга жорий этилишини таъминласин.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Раиснинг биринчи ўринбосари Б.Мирусманов зиммасига юклатилсин.

Давлат статистика кўмитасининг
2014 йил 28 - февралдаги
21- сонли буйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларини (объектларини) белгилаш тизими
идоравий статистик таснифлагичи

МҲОБТ коди	Маъмурий-ҳудудий объектнинг номи	Маркази	Маъмурий-ҳудудий объектнинг рус тилидаги номи	Маркази
17	O'zbekiston Respublikasi		Республика Узбекистан	
1703	Andijon viloyati	Andijon sh.	Андижанская область	г. Андижан
1703200	Andijon viloyatining tumanlari		Районы Андижанской области	
1703202	Oltinko'l tumani	Oltinko'l a.p.	Алтынкульский район	нп Алтынкуль
1703202550	Oltinko'l tumanining shaharchalari		Городские поселки Алтынкульского района	
1703202552	Bo'ston shaharchasi		ГП Бустон	
1703202554	Dalvarzin shaharchasi		ГП Далварзин	
1703202556	Jalabek shaharchasi		ГП Жалабек	
1703202558	Ijtimoiyat shaharchasi		ГП Ижтимоият	
1703202562	Kumakay shaharchasi		ГП Кумакай	
1703202564	Qo'shtepa shaharchasi		ГП Куштепа	
1703202566	Madaniy mehnat shaharchasi		ГП Маданий меҳнат	
1703202568	Markaz shaharchasi		ГП Марказ	
1703202572	Maslahat shaharchasi		ГП Маслахат	
1703202574	Namuna shaharchasi		ГП Намуна	
1703202576	Xondibog'i shaharchasi		ГП Хондибоги	
1703202800	Oltinko'l tumanining qishloq fuqarolar yig'inlari		Сельские сходы граждан Алтынкульского района	
1703202804	Oltinko'l QFY		ССГ Алтынкуль	
1703202807	Oxunboboyev QFY		ССГ Ахунбабаев	
1703202813	Jalabek QFY		ССГ Джалабек	
1703202820	Qo'shtepasaroy QFY		ССГ Коштепасарай	

**Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни
(объектларни) белгилаш тизими таснифлагичида
маъмурий-ҳудудий тузилмаларни кодлаштириш схемаси**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларини белгилаш тизими таснифлагичи идоравий статистик таснифлагич бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий объектлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш, статистик кузатувларни ўтказишда, жамланма статистик маълумотларни шакллантиришда, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР)да юридик шахсларнинг ҳудудий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни кодлашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” ва “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” қонунларига мувофиқ, МҲОБТга объектларни киритиш (чиқариш) ёки гуруҳлаш учун қуйидагилар меъёрий асос ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарорлари;

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари.

Таркибий жиҳатдан таснифлагич иккита блокдан иборат: идентификациялаш ва номланиш блоклари.

Идентификациялаш блокада кодлаш усули – тақсимланган захирага эга серияли-тартибли, код рақамли бўлиб, коднинг максимал давомийлиги 10 хонали сондан иборат.

Таснифлагич қуйидаги даражалардан иборат (“X” белгилари сони даражаларнинг гуруҳланишини кўрсатади):

I даража – Ўзбекистон Республикаси.

UZ
XX

II даража – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри.

UZ	AB
XX	XX

III даража – туманлар, вилоят аҳамиятига эга шаҳарлар, Тошкент шаҳрининг туманлари, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва туманлари.

UZ	AB	CDE
XX	XX	XXX

IV даража – туман аҳамиятига эга шаҳарлар, тумандаги шаҳарчалар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари

UZ	AB	CDE	FJH
XX	XX	XXX	XXX

МҲОБТ объектларини кодлашда, кодларнинг қуйидаги тузилмасидан фойдаланилади:

а) **UZ** (коднинг 1-2 белгиси) даражаси – Ўзбекистон Республикасининг коди – «17»;

б) **AB** (коднинг 3-4 белгилари) даражаси – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрини белгилаш учун мўлжалланган;

в) **CDE** (коднинг 5-7 белгилари) даражалари – вилоят аҳамиятига эга объектларни белгилаш учун мўлжалланган, бунда **C** даражаси қуйидагига тенг:

- “2” – Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари учун (бунга Тошкент шаҳрининг туманлари ҳам киради);

- “4” – вилоят аҳамиятига эга шаҳарлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри учун;

г) **FJH** (коднинг 8-10 белгилари) даражалари – туман ичидаги объектларни белгилаш учун мўлжалланган, бунда **FJ** даражаси қуйидагига тенг:

- “50” – туман аҳамиятига эга шаҳарлар учун;

- “55” – тумандаги шаҳарчалар учун;

- “8x” – қишлоқ фуқаролар йиғинлари учун.

DE ва **H** даражалари учун кодлашнинг тартибли усули қўлланади.